Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 19 август, шанба • № 66 (10.742) • Эркин нархда сотилади

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

СУРАТДА: мажлис пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) тасвирга олган.

1995 йил 16 август куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг биринчи мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим муаммолари муҳокама қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида Миллий Хавфсизлик Кенгашини тузиш зарурлигини асослаб берган эди.

Кенгаш давлатнинг юқори мансабдор шахсларининг маслаҳат органи бўлиб, миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсати қоидаларини белгилаб бериши, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

Шунга мувофиқ, 1995 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлик Кенгаши тўғрисида»ги Фармони чиққан ва унда кенгаш таркиби ва низоми тасдиқланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Кенгаш Раиси биринчи мажлисда сўзга чиқиб, Миллий Хавфсизлик Кенгашининг вазифаларини белгилаб берди.

Мажлисда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ва меҳнат ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш мақсадида:

1. 1995 йил 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 250 сўм;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 645 сўм;

фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 400 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разрядининг энг оз миқдори — ойига 400 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1995 йил 1 сентябридан:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,33 баравар;

мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, бошқа халқ таълими муассасалари ўқитувчиларининг, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбарларининг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича разрядни ошириш ҳисобига ўртача 1,5 баравар кўпайтирилсин.

3. 1995 йил 1 сентябридан бошлаб ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,33 баравар оширилсин.

4. 1995 йил 1 сентябридан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга нафақалар миқдори ойига 350 сўм;

болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 645 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 400 сўм.

5. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1995 йил 1 сентябридан бошлаб амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларига асосланиб пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ва ходимлар мансаб оклādларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан қоплансин.

8. Бюджет ҳисобидан пул билан таъминланувчи муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини рағбатлантириш мақсадида уларга меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фондини ташкил қилишга рухсат берилсин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига мазкур фонд маблағлари ҳисобидан ходимларнинг иш ҳақига шахсий устама ҳақларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Ана шу фондни ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар 1995 йилда меҳнат ҳақи фондини тежаш ҳисобидан, 1996 йилдан бошлаб эса республика бюджети ҳисобидан қоплансин.

Молия вазирлиги бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида Низомни тасдиқласин ҳамда уни аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилиши устидан таъсирчан назоратни амалга оширсин.

9. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бунда мазкур Фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 7 февралдаги 1080-сон Фармони (4-банди бундан мустасно) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 16 август.

Вилоят ҳокимлигида

МУНОСИБ НИШОНЛАЙМИЗ

КЕЧА вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигини муносиб нишонлаш бўйича тайёргарликнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда бу умумхалқ байрамининг аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги таъкидланди. Янги мустақил давлатимизнинг барқарор тоза бориши, бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани ана шу айём билан бевосита боғлиқдир, дейилди. Шунингдек, мустақиллик байрамига тайёргарлик жараёнида илм-фан, маданият ривож топаётгани, халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида муносиб ютуқларга эришилаётгани қайд қилинди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев очди ва олиб борди. У ўз нутқида мустақиллик байрамига тайёргарлик жараёнида бирон киши ҳам эътибордан четда қолмаслиги кераклигини алоҳида уқтириб ўтди. Айниқса, кам таъминланганлар, уруш қатнашчилари, ногиронлар, меҳнат фахрийлари, кўп болали ва ночор оилалар ғамхўрлик билан қамраб олиниши зарур, деди ҳоким.

Байрам кунида аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатиш юқори даражада ташкил этилиши лозим. Бу кунгача кўчаларни, майдонларни чиройли, мазмунли безаш ҳокимликлар диққат марказида бўлсин.

Йиғилишда байрамга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала юзасидан Чирчиқ шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев, Янгийўл тумани ҳокими Й. Тожибоев, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи З. Солиҳов, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбари Б. Ғафуров, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раиси ўринбосари Т. Тошпўлатов, республика марказий банки вилоят бўлими бошқаруви раиси Н. Солиев, вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси Ж. Роҳатова, вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси С. Воҳидовлар сўзга чиқдилар.

Улар байрамни юқори кайфиятда ўтказиш учун қандай тайёргарлик кўрилаётгани, белгиланган тадбирлар тўғрисида батафсил гапириб бердилар. Йиғилиш жараёнида байрамга тайёргарлик бўйича билдирилган янги таклифлар, истаклар инобатга олиниб, тантанани ўтказиш дастури янада ойдинлаштирилди, қўшимча тадбирлар белгилаб олинди.

«ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон ҳукумати республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини доимо диққат марказида тутиб келмоқдалар. Мамлакатимиз Президентининг ушбу Фармони ҳам бунинг далили бўлиб, уни рўёбга чиқаришга фақат шу йилнинг охиригача республика бюджетидан 6 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади, бир йилга ҳисоблаганда эса 18 миллиард сўмни ташкил қилади.

Бу эса хизматлари эвазига ҳақли равишда дам олаётган фуқароларнинг барча турдаги пенсияларини, шунингдек, республика олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ўрта ҳисобда 1,33 баравар кўпайтириш имконини беради. Меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 1,5 баравар оширилади ва 645 сўмни, стипендиялар миқдори эса 565 сўмни ташкил қилади. Шу мақсадлар учун бюджетдан 2,3 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга бериладиган нафақалар 1,4 баравар оширилади, болалигидан ногиронлар учун нафақалар эса 1,6 баравар кўпайтирилади ва ойига 645 сўмни ташкил қилади. Бунинг учун йил охиригача бюджетдан 500 миллион сўм маблағ ажратиш талаб этилади.

1 сентябрдан бошлаб энг оз иш ҳақи миқдори 1,7 баравар оширилади ва у 250 сўмни ташкил этади. Фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади ойига 400 сўм миқдорида белгиланаяпти. Бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи 1,33 баравар кўпайиб, ўрта ҳисобда 910 сўмни ташкил қилади, бу эса йил охиригача 3 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча маблағ ажратилишини тақозо этади.

Шу билан бир қаторда Фармонда бюджет муассасаларига ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида махсус фонд ташкил қилишга рухсат берилади.

Республикада халқ таълими ва олий таълим тизими ходимларига ҳамиша катта эътибор бериб келинди. Фармонда мактаб ўқитувчиларининг, олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақини 1,5 баравар ёки ўрта ҳисобда 400 сўм кўпайтириш кўзда тутилган.

Мазкур Фармонда назарда тутилаётган чора-тадбирлар фақат бюджет маблағлари ҳисобидангина Ўзбекистон аҳолисидан салкам 4,5 миллион кишининг моддий аҳволини яхшилаш имконини беради.

Бундан ташқари, республиканинг хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларига иш ҳақини ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида ошириш ва бунда мазкур Фармонга мувофиқ энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминлаш тавсия этилган.

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

КЎРК ОЧИБ БОРМОҚДА

- *Истиқлол йилларининг қайси воқеалари кўпроқ ёдингизда қолди?*
- *У сизга нима берди?*
- *Мустақилликни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшдингиз?*

М. ПЎЛАТОВ,
Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги ҳусусийлаштириш бўлимининг бошлиғи

— Шаҳримизнинг мустақиллик йиллари билан боғлиқ тарихи саҳифаларида халқимиз манфаатига қаратилган муҳим воқеалар ўз аксини топган. Бу, аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш, фаровонликни ошириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, бозор муносабатлари жараёнида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга даҳлдор ҳаётий ҳужжатлардир. Ҳудудимизда ободончилик ишларини йўлга қўйиш, маънавиятимизни бойитиш, соғлом авлодни тарбиялаш борасида ана шуларнинг амалий натижаси сезилмоқда. Кейинги йиллар мобайнида мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга маълум даражада эътибор кучайтирилди. Хусусийлаштириш бошланганидан бери шаҳарда 25 та давлат корхонаси хусусийлаштирилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Кичик корхоналар сони кўпайди, уларнинг 40 та шахобчалари ҳам хусусийлаштирилди. Бир қатор савдо, маиший хизмат тармоқлари ҳам мулк эгаларига топширилди. Ким ошди савдоси билан ер сотиш бўйича белгиланган режалар амалга оширилмоқда.

Ўтган давр ичида саноат корхоналарининг улуш ажратиш тарзидаги пул маблағларини марказлаштириш ҳисобига шаҳарда газлаштириш, ичимлик сув билан таъминланмаган маҳаллаларнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш, кўчалар, хиёбонларни таъмирлаш ва ёритиш ишлари бўйича белгиланган тадбирлар амалга ошди.

Истиқлол йили бошланишидаёқ шаҳар ҳокими А. Расулов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган «Оҳангаронни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастури»га кўра марказ қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Хусусан, фавворалар майдони, ўнлаб миллий меъморчилик услубида қурилган савдо, умумий овқатланиш шахобчалари, шинам бозорча, турли спорт мусобақалари ўтказиш имконияти мавжуд бўлган ўйингоҳ, истироҳат боғи, шаҳар кўркига кўрк қўшиб турипти. Кўчалар, йўлакларга асфальт ётқизиш, маҳаллаларни кўкаламзорлаштириш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Айни пайтда «Қўрғон» маҳалласида 840 ўринли мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси қурилмоқда. Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси, дон маҳсулотлари комбинати, шифер заводи бошқарувларининг ташаббускорлиги, саъй-ҳаракатлари туфайли ишчилар учун ҳар бири 45 квартирали учта бино, цемент заводи жамоаси учун эса яна бир катта ўйингоҳ фойдаланишга топширилди. Мустақиллик байрами шарафига бу корхоналарда яна уй-жойлар, коттеджлар қуриш давом этмоқда.

Ўтган йиллар ичида эришилган ўзгаришларни, албатта, ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ўринда айрим корхоналарнинг ярим йил ичида эришган натижалари ҳақида тўхталиш жоиздир. Шаҳарда олти ой мобайнида режадагидан бирмунча кўп — 53 минг тонна ун, 605 минг тонна цемент, 87,5 минг туб шифер, 575 километр асбест қувур, 26 минг тонна омухта ем ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган йилдагидан анча кўпайди. Еки шаҳарда умумий ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг 45 фоизини ташкил этди.

Биз аҳолининг маданий ва маънавий турмуши даражаси ўсишига алоҳида аҳамият бердик. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тадбирлари катта спорт мусобақалари билан уйғунлаштириб ўтказилмоқда. Айни пайтда шаҳардаги учта маданият саройи, битта кинотеатр, учта кутубхонада ўтаётган истиқлолимизнинг туб моҳияти, юртбошимизнинг иқтисодий тараққиётимизга оид китоблари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатлари билан боғлиқ мулоқотлар, буюк алломалар, мумтоз адабиётимиз намоёндалари ҳаёти, фаолиятига бағишланган кечалар, оила турмуш тарзи, соғлом авлодни тарбиялаш мавзуидаги суҳбатлар меҳнаткашларда катта қизиқиш уйғотаётир. Ана шу тадбирларда шаҳар мактаблари ўқитувчилари, саломатлик муассасалари ходимлари фаол иштирок этмоқдалар.

Бизнинг бундан буёнги фаолиятимиз республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллигини меҳнатда, ижтиомий ҳаётда муносиб ютуқлари билан нишонлашга қаратилган.



Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз туманларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қиладиган ярмаркалар иш бошлади. Ҳар куни қишлоқ туманларидан деҳқонлар етиштирган турли хил ноз-неъматлар келиб турипти. Уларни мамнунлик билан харид қилган шаҳарликлар, боғбонлар, соҳибкорлар, сабзавоткорларга миннатдорчилик билдирмоқдалар. Биргина Чилонзор туманидаги «Юқори дарҳон» бозорида ҳар куни 200 тоннадан ортиқ турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилинмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ИШСИЗЛАР ҚОЛМАДИ ҲИСОБ

Чирчиқ шаҳрида йилнинг ўттан даврида 140 нафар киши ишсиз сифатида меҳнат биржаси рўйхатидан ўтган эди. Шаҳар бандлик хизмати шулардан 63 кишини иш билан таъминлаб, 37 кишини эса янги касб ўрганиши учун қайта ўқишга юборди. Шаҳардаги корхона ва ташкилотларда иш ўрни қисқариши сабабли ишсиз қолган ишчи ва ходимлар ҳам доимий иш билан таъминланмоқдалар. Нафақа ёшига яқинлашиб қолган ишсизлар эса муддатидан илгари пенсияга чиқарилаётир. Шаҳар меҳнат биржаси бу ишда уларга яқиндан ёрдам кўрсатяпти.

Р. ҚОДИРОВ.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ

Паркент туманидаги Фурқат номли 7-ўрта мактаб жамоаси, одатдагидек бу йил ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини барвақт бошлади. Жамоанинг уюшиб ишлаши, мактаб маъмуриятининг бу ишга тўтри раҳбарлиги натижасида билим маскани сифатли таъмирланди. Бундан ташқари мактаб атрофлари, ҳовлилар ҳам тозаланиб, кўкаламзорлаштирилди.

Билим даргоҳини тез ва сифатли таъмирлашда «Гулбоғ» халқ корпорацияси раҳбарияти ва ота-оналар ҳам яқиндан кўмак бердилар.

Эндиликда бутун диққат-эътибор ўқувчиларни зарур дарсликлар билан таъминлашга қаратилади.

Ш. ДАДАХЎЖАЕВА.

ҲОСИЛ МЎЛ ВА ЭРТАГИ

Ўтган йили туманда пахта тайёрлаш режасини биринчи бўлиб 7 иш кунида бажарган Чиноз туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг Шарифжон Баратов бошлиқ бригадаси пахтакорлари бу йил юксак маррани кўзлаб меҳнат қилишяпти. 50 гектар ердан 40 центнердан хирмон кўтаришмоқчи. Айни кунларда барча майдонлардаги ғўза ниҳоллари шиғил ҳосилга кирган.

Бу, аввало, бой тажриба ва омилкорлик самарасидир. Бригаданинг барча аъзолари — механизатор М. Ҳасанов, сувчилар Ў. Иминжонов, Й. Темиров, Н. Баратовларнинг ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишлари туфайли ғўза ниҳоллари тўрт марта сув ичди, қатор ораларига меёрдаги ўғит солиниб, олти марта ишлов берилди. Карталар ҳашарот ва касалликларга қарши олтингугурт билан пуркалди.

Зарбдор 45 кун

Гектарига 500 килограммдан селитра солинган пайкалларга бешинчи бор сув таралмоқда. Кўчатлар бут ва серҳосил. Ҳар туп бўлиқ ғўзада 10-12 тагача кўсак санаш мумкин.

Зарбдор 45 кунлик ҳаракатига қўшилган бригада миришкорлари ҳосилга ҳосил қўшишни уюшқоқлик билан давом эттириб, пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Ҳ. НОСИРОВ.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ШАРАФИГА

БИРДАН-БИР ТЎҒРИ ЙЎЛ

Ўзбекистон Президентининг давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштириш суръатини тезлаштиришга оид фармони ва республика Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни янада жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Бу ҳаётий зарур ҳужжатлар йирик корхоналарни ҳам мулкчиликнинг янги шакли — акциядорлик жамиятларига айлантиришга кенг йўл очиб берди.

Тошкент вилоят юк ташиш транспорти концерни вилоятда шу кунгача ташкил топган 322 та йирик акциядорлик жамиятларидан биридир. Мулкчиликнинг янги кўриниши корхона меҳнаткашларида ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий соҳиблари ҳиссини кучайтиришга, халқ хўжалигига транспорт хизмати сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилашга сабаб бўлди. Ҳозир бозор иқтисодиётига тўла мослашиб ишлаётган ушбу акциядорлик концерни республикада турдош корхоналар орасида пешқадамлик қилаяпти. Мухбиримиз яқинда концерн раҳбари С. М. ЮСУПОВ билан мулоқотда бўлди.

— Собир Мўминович, юк ташиш транспорти концерни вилоятда биринчи бўлиб очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бу ишнинг енгил кўчмаганлиги, бутун жамоанинг меҳнати билан амалга ошгани маълум. Айтинг-чи, бу жараённи қандай бошлаб, қандай олиб бордингизлар? Дастлабки тажрибалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкчиликнинг янги шаклини барпо этиш мамлакатимизда эндигина бошланиб келаётган жараёндир. Республикамиз мустақиллиги ана шу жараённи бошлаб бериш, чуқурлаштириш ва уни поёнига етказиш имконини берди. Ер ишга бошқаларга нисбатан барвақтроқ киришган жамоаларда анча қийин кечиши, йўл-йўлакай эскича дунёқарашлар сабабли пайдо бўладиган қатор тўсиқларни енгиб ўтишга, вужудга келадиган муаммоларни изчил ҳал қилиб боришга тўғри келиши аён, албатта. Сирасини айтганда, бу янги тамойил юқоридан бериладиган буйруқ билан битиб кетаверадиган иш эмас. Очиқ турдаги акционерлик жамиятига ўтиш — одамларнинг мулки ва маблағи билан боғлиқ эканлиги, бутунлай янгича иш юритишни тақозо этиши сабабли уни сира шошмасдан, босқичма-босқич олиб боришга тўғри келди.

Биз концернга қарашли автокорхоналар мулки шаклини ўзгартиришга 1991 йилда киришган эдик. Жамоамиз йиғилиши дастлаб мулкнинг давлат — ҳиссадорлик кўринишини қўлланишни маъқул деб топди. Бу ишни Бекободдаги 16-автокорхонадан бошладик. Орадан бир йил ўтгач, у жамоанинг умум мулки низом жамғармасининг 51 фоиз қисмини ташкил этган «Сарбон» номли ҳиссадорлик жамиятига айланди. 1993 йил мартида эса яна 10 та автокорхона давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасига акциядорлик жамияти тузиш учун рухсат сўраб ариза топширди. Орадан кўп ўтмай улар ҳам очиқ тоифадаги ҳиссадорлик жамиятига айландилар. Барча корхоналар эндиликда ўзларининг мулкий ҳисоб-китобларига, мулкий ҳуқуқларини тасдиқлайдиган давлат ордерига эга бўлдилар. Биз ана шундан кейингина автокорхоналарда таъсис конференцияларини ўтказиб, давлат-акционерлик корхоналарининг низомларини тасдиқладик, бошқарув, кузатувчи кенгашлар ва тафтиш комиссиялари таркиби белгиланди, акция ва сертификатларни чиқариш ва сотиш, дивидендлар миқдорини ҳисоблаш, низомий жамғармаларни кўпайтириш ёки камайтириш тартиблари ҳақидаги қоидалар тасдиқланди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бозор иқтисодиётининг ўз қонун-қоидалари бор. Давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш катта ва оғир ишнинг бошланиши, холос. Шу йўлга чиқиб олиндими, фақат рахбар ходимдангина эмас, акциядорлик жамиятининг барча аъзоларидан ҳам шу кун талабларидан бохабар бўлиб, янгича ёндашиб, юксак масъулият сезган ҳолда, ҳамиша изланиб ишлашни талаб қилади. Негаки, бу ерда ҳар бир акциядор корхонанинг эгасидир. У ҳисобдон бўлиши, нима қилса, қаердан кўпроқ пул келишини олдиндан билиши, қанчалик жон қуйдириб ишласа, акцияси ҳисобидан келадиган тушум шунчалик кўпайиб боришини яхши тушунган бўлиши керак. Акс ҳолда у жамоа иқтисодий ҳаётида фаол қатнашмаса, ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилганидек, зарар кўриб қолиши ҳеч гапмас.

— Очиқ усулдаги ҳиссадорлик жамияти кутилган натижаларни беряптими? Меҳнат жамоалари ундан қандай манфаат кўряптилар?

— Ҳа, мулкчиликнинг янги шакли кутилган натижаларга тўла-тўкис эришишимизга имкон беряпти. Энг аввало, бу ишнинг самараси автокорхоналарнинг иш фаолиятида тубдан ўзгариш ясаш, бошқарув муаммоларини ечиш ва бу соҳада тўла мустақилликка эришишга ёрдам берди. Ҳиссадорларнинг даромадлари ва маошлари кескин ошди. Концерн тизимидаги барча автокорхоналарда техник-иқтисодий кўрсаткичлар ой сайин ошириб бажариладиган бўлди. Режаларнинг тўла амалга ошиши эса, энг аввало, даромадга таъсир кўрсатди. Эътибор беринг-а, ўтган йили 53 миллион сўм миқдорида соф фойда кўрган ва бу даромаднинг 28 миллион сўмини ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига сарфлаган ҳамда 9,3 миллион сўмни эса дивиденд сифатида ҳиссадорларга тақсимлаган эдик. Акциядорларнинг акция ва сертификатларига берилган ҳақ 200-250 фоизни ташкил этди. Бошқача айтганда, ҳар бир акциядор сотиб олган 5-6 та акцияси учун 5 минг сўмдан дивиденд олди.

— Бу йил иқтисодий кўрсаткичлар қандай бўляпти?

— 1995 йилда барча соҳаларда ўтган йилга нисбатан катта фарқ бўлиши кутиляпти. Буни ярим йиллик натижалар ҳам кўрсатиб турипти. Олти ойда концерн 335,5 миллион сўм даромад қилди. Йил якунида фойда бундан икки баравар кўп бўлиши мумкин. Демак, акциялар ва сертификатлар учун дивиденд сифатида бериладиган маблағлар ҳам, ишчиларнинг маошлари ҳам кескин кўпайиши кутилмоқда. Шу ўринда биргина мисолни келтириш кифоя. Ўтган йил охирига келиб ҳар бир ишчи ўртача 1284 сўм маош олган бўлса, бу йил уларнинг ойлик иш ҳақлари 1800 сўмни ташкил этмоқда.

— Иқтисодий манфаатдорликнинг ўзи кучли ташвиқот ва таргибот ўрнини ҳам босади. Шундай эмасми?

— Албатта. Ишчининг ҳамёнига мўмай даромад келиб турса у янада яхшироқ ва самаралироқ ишлашга, ўзи аъзо бўлган жамиятининг фаолиятида фаолроқ қатнашишга ҳаракат қилади. Ҳозир амалда шундай бўляпти. Аммо, биз ҳам ўз навбатида иқтисодиётни кучайтириш, даромадни кўпайтириш билан иқтисодий молиявий иш натижалари чиқарилиб, чуқур таҳлил қилинар экан, ҳар бир ҳайдовчи, ишчи ва хизматчини барча ўзгаришлардан мунтазам бохабар қилиб турибмиз. Режалар изчил бажарилса, меҳнат унумдорлигининг ошишига эришилса, автомашиналар қувватидан самарали фойдаланилса, тартиб-интизом кучли бўлса, дивиденд ва иш ҳақи миқдори ҳам мунтазам ошиб боришини аниқ мисоллар билан асослаб беряпмиз. Жамоа бунинг нечоғли тўғри ва ҳаётий эканлигини ҳар кун, ҳар соатда ўзи ва корхонаси мисолида аниқ кўриб турипти.

Ислоҳот одимлари

Энди очиқ ҳиссадорлик жамиятининг яна бир муҳим жиҳати ҳақида. Корхонага, демак, олинаётган даромадга эгалик қилиш масъулият ҳиссини кучайтиради. Фойда нечоғли кўп бўлса, уни ўз ўрнида янада кўпроқ даромад келтирадиган қилиб ишлатиш ҳар бир мулк эгасининг кундалик эҳтиёжига айланади. Зотан, жамоамизда ҳам айнан ана шундай бўляпти. Ҳозир қўлимизни қаерга узатсақ бемалол етадиган бўлиб қолди. Ҳиссадорлар ўзларига ҳам, автокорхоналарга ҳам бирдек фойдаси тегадиган иш қилишни маъқул кўрмоқдалар. Шу тариқа концерн қошида ишни мувофиқлаштирадиган фирма ва марказлар ташкил топди. «Камолот» ана шундай фирмалардан бири бўлди. У қўшни Қозоғистон республикасидаги фирмалар билан шартнома асосида ишлаб, мол айирбошлаш ҳисобига у ердан аккумулятор ва автомобил шиналарини олиб келмоқда. Фирма, шунингдек, концернга қарашли автокорхоналарга ахборот-техника хизмати кўрсатиш, ёнилғи-мойлаш материаллари, автошиналар ва бошқа зарур жиҳозларни тақсимлаш, расмийлаштириш билан ҳам шуғулланмоқда.

Концерн қошида ташкил топган «КрАЗ» техника марказининг ҳам ҳиссадорлик жамияти ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти катта бўляпти. Ушбу марказ асосан «КрАЗ» автомобиллари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари таъминотини ўз зиммасига олган.

— Бозор муносабатлари айни пайтда кишиларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Автокорхоналарда шу йўналишда нималар қилиняпти?

— Концерн тизимида илгари ҳам ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш алоҳида эътиборда бўлиб келган. Аммо бозор муносабатлари жорий этила бошлагач ҳамда иқтисодий ислоҳотлар амалга ошиб, мулкка эгаликнинг янги тамойили жорий бўлгач, бу муҳим соҳани янада кенгайтириш, кишиларнинг турмуш ва иш шароитларини яхшилаш, имтиёзлар яратишга кўпроқ аҳамият бериладиган бўлди.

Жорий этилган имтиёзлардан бири оғир шароитда ва кўпроқ жисмоний куч талаб қиладиган жойларда хайдовчиларни корхона ҳисобидан 55 ёшдан пенсияга чиқариш, меҳнат таътиллари муддатини 24 иш кунидан 40 иш кунигача узайтириш бўлди. Бундан ташқари давлат ихтиёрида бўлмаган ижтимоий суғуртани жорий этиш ҳам жамоага катта фойда келтиряпти. Ишчи ва хизматчиларга кўп йиллик хизматлари учун қўшимча ҳақ тўлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишлари учун товон пуллари бериш ва шу каби имтиёзлардан ишчи ва хизматчилар миннатдор бўлмоқдалар. Шунингдек, жамоа учун 4 та ёрдамчи хўжалик, 2 та болалар боғчаси, 7 та дам олиш оромгоҳлари, ҳар бир корхонада озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, ҳаммом ва сауналар ишлаб турипти.

Корхоналарда аёллар меҳнатини енгиллаштириш, иш шароитларини яхшилаш, болалар тарбияси билан боғлиқ барча қулайликлар яратиб берилаётир. Уч ёшгача болалари бўлган оналарга қўшимча ҳақ тўлаяпмиз, уларга ойлик маошларини сақлаб қолган ҳолда иш вақтини камайтириш каби имтиёзлар ҳам яратдик.

Концерн тизимидаги автокорхоналар вилоятдаги мавжуд барча корхоналар ва ташкилотларга хизмат кўрсатади. Бу ишнинг эвазига улардан қурилиш материаллари, темир-бетон буюмлари, кўмир, турли хил идишлар, тайёр кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб, уларни корхона дўконларида ишчиларга 30-35 фоиз миқдорида кам баҳоларда сотишни йўлга қўйдик.

Акционерлик жамияти «Уй-жой» дастурини ҳам ишлаб чиқиб, шу асосда кенг кўламда иш олиб боряпти. Автокорхоналар ҳисобидан ишчилар учун томорқали тайёр уй-жойларни сотиб олишни ҳам йўлга қўйдик. Биз вилоятдаги бир қанча шаҳарларда ҳисса қўшиш ҳисобига уй-жой қуриш тўхтаб қолгани ҳамда у ерларда қурилиш ташкилотлари қучсизлиги сабабли шу ишга кўл уришга мажбур бўлдик. Автокорхоналар жамоалари ижтимоий ривожланиш жамғармаси маблағларининг бекор туриб қолмаслиги учун маҳаллий ҳокимиятлар ва молия ташкилотлари орқали хусусий уйларни ҳам сотиб олиш тўғрисида бир қарорга келдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай уйлар нисбатан арзонга тушмоқда. Шунингдек, якка тарзда уй-жой қуриш учун 201 та ер бўлаклари ҳам ажратилди. Кишиларга қурилишга ёрдам тариқасида қарз ҳам беряпмиз. Корхоналар қошида очилган бетон ғишт, эшик, ром ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган цехлар тайёрлаган материаллар уларга анча арзон нархларда сотиляпти. Алимкент, Солдатск, Янгибозор, Бўка автокорхоналари маъмуриятлари шу тарзда ўз жамоалари учун уй-жой муаммоларини тўла ҳал қилдилар.

Меҳнат жамоаларини ижтимоий муҳофаза қилиш кўлами ниҳоятда кенг. Шундай мақсадлар учун кўпроқ маблағлар ажратилаётгани сабабли пенсияга чиқаётган ходимларга автокорхонада ишлаган ҳар бири йили ҳисобига 50 сўмдан 100 сўмгача бир марталик нафақа бериш, ногирон ва уруш қатнашчиси бўлган нафақахўрларга ҳар ойлик пенсиясига 120 сўмдан қўшимча пул тўлаш, армияга кетаётган ва ҳарбий хизматни тугатиб қайтган ёш ишчи ва хизматчиларга армияда бўлган ҳар бир ой ҳисобига 20 сўмдан пул бериш, ёш оилаларга 15 йил давомида тўлаш шарти билан қарз бериш, кўп сменали иш жараёнида ишлаётганларга имтиёзли нархларда озиқ-овқат таъминоти ва шу каби бошқа қулайликлар яратиш имконияти ҳам вужудга келди.

— Иш ҳар қанча пишиқ-пухта режаланган бўлса ҳам ҳамма вақт силлиқ битиб кетавермайди. Қаерлардадир қийинчиликлар юзага келади, қаерлардадир зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар пайдо бўлади. Бу табиий ҳол, албатта. Шундай эмасми?

— Ҳа, шундай. Айниқса, бозор иқтисодиётининг ўтган босқичларида биз ана шундай ҳолатларга тез-тез дуч келадиган бўлиб қолдик. Мен бу ерда рўй бераётган қийинчиликларни бирма-бир санаб ўтирмайман. Аммо, ўрни келганидан фойдаланиб, тўлов, ҳисобкитоб масалаларида аҳвол нисбатан оғирлигини, дебитор қарзларнинг кўпайиб бораётганини, кўп ташкилотларнинг тўлаш қобилияти сусайиб кетаётганини айтмоқчиман.

Вилоятдаги кўпгина корхоналар ҳозир концернимиздан анчагина қарздор бўлиб қолганлар. Қарзни ундириш эса қийин кечяпти. Нақд пулнинг йўқлиги ўз навбатида белгиланган режаларни амалга оширишга ҳалақит бераётир. Булардан ташқари ўз пулимизга эга бўла туриб, улар бошқа ташкилотларда бўлгани сабабли техника сотиб олиш учун давлат банкларидан қарз кўтаришга мажбур бўляпмиз.

— Акциядорлик жамиятининг бундан кейинги режалари қандай?

— Режаларимиз маълум — эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб бориш, дивиденд ва маошлар ҳажмини кўпайтириш. Даромадлардан самарали фойдаланиб, аста-секин барча техника ва автомашиналарни янгилаймиз. Булардан ташқари давлат ҳисобида қолган 26 фоиз акцияларни ҳам сотиб олиб, мулкнинг тўла эгасига айланамиз. Бу ҳақда давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг розилигини ҳам олдик.

Мулкка тўла эгалик қилиш — мустақиллик берган улуғ неъматдир. Бу неъматлардан самарали фойдаланиш эса бир ерда туриб қолмай, шу йўналишдаги ишни изчил давом эттиришимизни тақозо қилади. Зотан, республикамиз Президентининг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори бизнинг ҳиссадорлик жамиятимизда тўла ўтаб бўлинди.

Ҳиссадорлик жамиятимиз аъзолари республикамиз Мустақиллигининг тўрт йиллик байрамини муносиб нишонлашга ахд қилганлар. Шу кунларда барча автокорхоналарда ва уларнинг атрофидаги ҳудудларда шанбалик ва якшанбаликлар ўтказилиб, унда барча ишчи ва хизматчилар фаол қатнашмоқдалар. Вазифалар эса катта — корхона ва ташкилотларга транспорт хизмати сифатини яхшилаш, иш кўламини янада кенгайтиришдан иборатдир. Кундалик иш суръатлари эса бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам бермоқда.

Суҳбатни «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Р. ТУРСУНОВ ёзиб олди.

КЕКСАЛАР ДУОСИ

Отахон ва онахонларнинг Чиноздаги йиғини гоят самимий ва хушнудлик вазиятида ўтди. Бир пиёла чой устида Меҳнат қаҳрамонлари Жалил ака Эшмуротов, Исмадиёр Аҳмедов, донгдор пахтакорлар Умар Ҳасанов, Асомиддин Мираҳмедов, Жўра Очилов ва Абдураҳмон Юсуповлар пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишда туманнинг барча меҳнаткашларига қарата мурожаатнома қабул қилинди. Унда, жумладан, Мустақиллик байрамини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олиш, пахта йиғим-теримини қисқа муддатларда тез ва соз ўтказиш, топшириқларни барвақт бажаришга чақирувчи даъват баён қилинган. Бу умумхалқ курашида чиноэлик отахонлар барчага ибрат ва намуна кўрсатадилар, деб ишонч билдирилди.

СУРАТДА: фахрийлар йиғилиши қатнашчилари.
А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

Вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши «Кексалар дуоси» тадбирини биринчи бўлиб Чиноз туманидан бошлади. Бу ташаббуснинг мазкур туманда биринчи бўлиб ўтказилиши бежиз эмас. Зеро Чиноз тумани меҳнаткашларининг ўзига хос меҳнат ва жасорат анъаналари бор. Улар истиқлол берган буюк неъматдан баҳраманд бўлиб, далаларда, корхоналарда, қурилиш ва муассасаларда, барча-барча соҳаларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Пилла ва ғалла етиштириш давлат топшириқларини зиёдаси билан адо этган туман деҳқонлари «оқ мавсум» — пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Хайрли тадбирга фахрийлар Кенгашининг раиси А. Алимов, Тошкент вилояти Халқ демократик партиясининг биринчи котиби Ў. Турғуновлар бошчилик қилишди. «Оқ фотиҳа» тадбирини вилоятимизнинг ҳамма туманларида ўтказиш режалаштирилган.

ҚЎШ ТЎЙГА ТАЙЁРГАРЛИК

ВИЛОЯТИМИЗНИНГГИНА эмас, балки республикамизнинг йирик саноат макразларидан ҳисобланган Чирчиқ шаҳрининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ташкил топиши бу ердаги етакчи ва байрокдор корхона «Чирчиққимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан боғлиқ десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ўрта Осиёдаги собиқ иттифоқдош республикаларда пахтачиликни ривожлантириш учун биринчи навбатда минерал ўғитлар қўплаб керак бўлишини ҳисобга олиб, ҳозирги шаҳар ўрнида шундай маҳсулот берувчи корхона қурилиши бошланган эди.

Дастлабки бунёдкорлик ишларига 1922 йилда қўл урилди. Электр кимё комбинати бунёд этиш ишлари жадал бораверди. Минглаб бинокорларнинг қаҳрамонона меҳнатлари туфайли қад кўтарган корхона 1940 йилдаёқ маҳсулот бера бошлади. Шу йилнинг ноябрь ойи бошларида комбинатда ишлаб чиқарилган минерал ўғитлар ортилган вагонлар корхона дарвозасидан чиқиб, республикамиздаги жамоа ва давлат хўжаликларининг пахта далалари томон йўл олди. Бу билан минерал ўғитларини чет элдан катта маблағ эвазига сотиб олишга барҳам берилди.

Орадан эллик беш йил ўтди. Комбинат «юраги» эса шу давр мобайнида бир дақиқа ҳам тўхтамай уриб турипти. Шу йиллар мобайнида қардош мамлакатлар, ҳатто, чет эллик мижозларга миллион-миллион тонналаб «ер ҳамиртуриши» етказиб турилипти. Корхона жамоаси бозор иқтисодига ўтиш давридаги қийинчиликларни мардонавор енгиб, истиқболга ишонч билан қарамоқда.

Шу кунларда корхонанинг барча ишлаб чиқариш бўлинмаларида бирлашма тарихидаги қутлуғ санани муносиб нишонлашга ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳа, кимёгарлар қўш байрамни — бирлашманинг 55 йиллигини ва республикамиз мустақилликка эришган кунинг тўрт йиллигини катта тантана қиладилар. Шу кунларда қайси бир цех ёки бўлимда бўлманг, ҳамма жойда бу икки айёмни меҳнатда янги-янги ютуқлар билан кутиб олиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлаб ишлаётганликларининг гувоҳи бўласиз.

М. СОБИРОВ.

ҚИШЛОВГА ЗАМИН

ЯХШИ биламиз. Сигир — шундай жониворки, агар меҳр ва ихлос билан муносабатда бўлсангиз, боқувини ўрнига қўйсангиз, у битмас-туганмас хазина бўлиб хизмат қилади. Бу хазинанинг қадрига ким қандай етаётганлигини эса ундан олинаётган маҳсулотга қараб белгилаймиз. Шундай хўжаликлар, шундай чорвадорлар борки, фермадаги 250-300 чоғли сигирнинг ҳар биридан ўртача 9-10 литрдан сут соғиб олишади. Бундай кўрсаткичнинг туман бўйича бўлиши эса у туманда ҳамма хўжаликларда ҳам чорвачиликка муносабат яхшилигидан далолат беради.

Тошкент туманида ярим йиллик кўрсаткичлар билан қизиққанимизда ана шу фикр хаёлимизга келди. Ҳазил гап эмас. Туманда мавжуд соғин сигирларнинг ҳар биридан айни кунларда ўртача 9,1 литрдан сут соғиб олиняпти. Бу ўтган йилдагига қараганда анча кўп. Ўтган йилнинг шу вақтида туман бўйича 4220 тонна сут тайёрланган бўлса, ҳозир 4460 тонна тайёрланибди. Ўтган йилга қараганда анча кўп сут сотилган.

Бу салмоқли натижа, салмоқли кўрсаткич! Бунга қандай қилиб эришиляпти?

Аввало, ҳар бир хўжаликда сигирлар сараланиб, зоти яхшилаб олинганлигини айтиш керак. Иккинчидан эса жуда кўп фермалар ўз эгаларининг қўлига топширилди. Фермерлик ҳаракати кучайди. Энг муҳими, қишлов, озуқа базасини мустаҳкамлаш тўғрисида эрта баҳордан бошлаб, бутун ёз ва куз давригача ғамхўрлик қилинди. Бу йил режа бўйича 6400 тонна хашак тайёрланиши зарур. Ҳозиргача эса салкам 5 минг тонна хашак жамғариб қўйилди. Бунинг 1450 тоннасини сомон ташкил этади. Дарвоқе, Тошкент тумани деҳқонлари ер ресурслари ниҳоятда чегараланган бўлишига қарамай бу йил минг гектар майдонда ғалла етиштирдилар. Биринчилар қаторида ўримни бошлаб, биринчилар қаторида режани бажардилар. Суғориладиган ерлардан 35 центнерга яқин ҳосил олинди. Демакки, сомон ҳам мўл-кўл бўлди.

Айни кунларда ҳам қишловга озуқа жамғариш қизғин давом этяпти. Мавжуд бедазорлар парвариш ва ўримйиғим ишлари алоҳида назоратга олинган, алоҳида ҳисоб-китоб қилиб борилади. Ҳозиргача 3 ўрим ўтказилди. Ўрим ўз вақтида амалга оширилаётганлиги учун пичан ҳосили баракали бўляпти. Беда майдонларидан камида яна икки ўрим ҳосил олинади. М. Фозилов номли, С. Раҳимов номли, Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжаликлари сигирлар маҳсулдорлигини ошириш ва қишловга тайёргарлик кўришда ҳар йилдагидек бу йил ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар.

Илғорлар тажрибаси — кўпчиликнинг мулки, деймиз. Тошкент туманида бу мулкни асраб-авайлашга, қадрига етишга алоҳида эътибор бераётганлиги учун ҳам чорвачилик йил сайин юксалиб, кўрсаткичлар юқори бўлиб бораётир.

Н. РИХСИЕВ.

ЧИҚИНДИЛАР ҲАМ ХОМ АШЁ

ВИЛОЯТИМИЗ корхоналарида ҳосил бўлаётган қаттиқ заҳарли чиқиндиларни йиғиш, жойлаштириш, сақлаш, фойдаланиш ва қайта ишлаш қаттиқ назорат остига олинмоқда. Ҳозирги вақтда барча йирик корхоналарда ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқаришнинг меъёрлари маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан келишилди.

Кўп миқдорда чиқиндилар чиқарувчи корхоналарнинг раҳбарлари уларни ҳажмини камайтириш, фойдаланишни йўлга қўйиш, қайта ишлаш масалаларига эътиборни кучайтирмоқдалар. Бу йўлда кўп куч-ғайрат сарфламоқдалар. Муаммоларни ҳал қилиш учун етакчи илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдалар. Уларнинг яқин маслаҳати билан Ўзбекистон металлургия заводида, «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар барпо этилди. Ангрен кўмир разрезида, Янги Ангрен давлат туман электр станциясида чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича махсус заводлар қуриш режалаштириляпти.

Ангрен давлат туман электр станциясининг чиқиндилар сақланадиган омборларида тўпланиб қолган 5 миллион тоннадан ортиқ кул ва шлаклардан эса халқ хўжалигида фойдаланиш йўллари қидирилмоқда. Ҳозирги вақта шу йўлда айрим ишланмалар тайёрланди. Уларни жорий қилиш чиқиндиларни камайтиришга олиб келади. Ангрен кўмир разрезида эса кўмир билан қўшилиб чиқадиган каолин, оҳак ва бошқа қазилма бойликлар ажратиб олинмас эди. Ҳозир бундай қимматли жинслардан 200 миллиондан кўпроғи тўпланиб қолган. Ваҳоланки, бундай махсулотлар халқ хўжалигида жуда зарур. Шунинг учун уларни ажратиб олиш муаммоси кун тартибида турибди.

Бироқ, тахлиллар вилоят корхоналарида чиқиндиларни

Табиат ва инсон

қайта ишлаш бўйича кўрилаётган чоралар етарли эмаслигида далолат бермоқда. Ҳозирги вақтда ҳар йили 30 миллион тоннадан ортиқ чиқиндилар тўпланган ҳолда уларнинг фақатгина 0,4 фоизи қайта ишланиб, фойдаланилмоқда. Бундай чиқиндилар эгаллаб ётган ер майдони эса 6 минг гектардан ҳам ошиб кетган. Улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш кўплаб деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш имкониятини берган бўлур эди.

Айни вақтда бу чиқиндилар атроф-муҳит табиати учун катта хавф ҳам туғдирмоқда. Шу сабабли вилоят ҳокимлиги ҳам, бизнинг қўмитамиз ҳамда «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг вилоят бўлими бу масалани ҳал этишга катта эътибор бермоқдалар. Бу ишга юқори мутасадди ташкилотлар ҳам ёрдам беришлари лозим.

Шу муносабат билан бир мисол устида батафсил тўхталиб ўтмоқчимиз. Бўстонлиқ туманидаги Яккатут қўрғонида таркибида зарарли моддалар бўлган чиқиндилар «қабристони» бор. Улар шу атрофда олиб борилган кон қазиш ишлари натижасида ҳосил бўлган эди. Бу жой табиатга катта зарар келтирмоқда. Шунинг учун ҳам экологлар уни тўла бартараф этиш лозимлиги ҳақида «Ўзолмосолтин» республика ҳиссадорлик жамиятининг Бурчмулладаги «Олмос» заводи маъмуриятига кўрсатма берди. Корхона бунинг учун лойиҳа тайёрлашга киришди. У 1993 йилдаёқ «Узгипрозем» институти томонидан тайёрланди ҳамда республика давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишилди. Завод ўз қучи билан хўжалик усулида 1993 йилнинг сентябридан ишларни бошлаб юборди.

Яқинда махсус комиссия лойиҳани амалга оширишнинг боришини ўрганди. Табиатни муҳофаза қилиш ишлари ўтган йилнинг охиригача тугатилиши керак эди. Тўғри, айрим ишлар амалга оширилди. Зарарли моддалар тўплаб қўйилган жойдан ер ости, атмосфера ва булоқ сувларини узоқлаштириш бўйича ишлар амалга оширилди. Махсус тарнов канали қурилиши бошлаб юборилди ва унинг бир қисми қўлдан чиқарилди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қурилиш ишларини охирига етказиш учун зарур бўлган металл прокатини ажратишга муваффақ бўлди. Барча майдонлар текисланди. 30 минг кубометрдан ортиқ тупроқ ташиб кетилди.

Бу муҳим ишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси яқиндан ёрдам берди. Унинг фармойишига мувофиқ тегишли идоралар зиммасига «Ўзолмосолтин» ассоциацияси билан биргаликда барча ишларни амалга ошириш учун маблағларни ажратиш масалаларини кўриб чиқиш ва ажратиш масласини ҳал қилиш вазифасини юклади. Ўтган йилнинг декабрь ойидаёқ бунинг учун зарур бўлган маблағ ажратилди. Бироқ уни ўзлаштириш жуда суст бормоқда. Бу вазифа зиммасига юклатилган идоралар раҳбарлари ҳамон лоқайдлик кайфиятидан ҳалос бўлмаяптилар. Улар иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб кўрсатишга уринадилар. Бунинг ўрнига амалий иш билан шуғулланса лар ҳар томонлама фойда бўлур эди. Ўйлаймизки, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган бу ишни тезлаштириш учун барча чораларни кўрадилар.

А. ЭРГАШЕВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси етакчи мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 июлдаги 287 қарорининг 13-сонли иловасига мувофиқ божхона идораларига экспорт-импорт юкларини расмийлаштиришда тавсия этиладиган

ҲУЖЖАТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Мувофиқлик тўғрисидаги сертификат

2. Моллар, маҳсулотлар қаердан олинганлиги тўғрисидаги сертификат.

3. Битим (шартнома, келишув)

4. Юк бўйича божхонага кўрсатиладиган декларация

ЭСЛАТМА: МДҲ давлатларига жўнатиладиган тез бузиладиган мева, сабзавот маҳсулотлари бундан мустасно.

Тошкент вилояти бўйича божхона хизмати

ВЬЕТНАМ ТАШКИЛ ТОПҒАН КУНГА БАҒИШЛАНДИ

15 август куни Вьетнам Социалистик Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида мамлакат мустақиллигининг 50 йиллиги олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

2 сентябрь куни Вьетнам Социалистик Республикасининг ташкил топганига ярим аср тўлади. Анжуманда Вьетнамнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Нгуен Ван Дак журналистлар саволларига жавоб берар экан, бугун ўз мамлакатида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ҳақида сўзлади.

— Вьетнам халқининг қарийб 30 йил давомида ўз мустақиллиги учун кураш олиб боргани, миллионлаб қурбонлар берганини жаҳон аҳли яхши билади, — деди у. — Айни пайтда жаҳонда юз бераётган чуқур ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, Вьетнам ҳам бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтмоқда. Иқтисодиётда кенг қамровли ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Вьетнам ҳукумати Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди ва дипломатия алоқаларини ўрнатди. Зеро, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўп йиллик синовлардан ўтган. Бугун Вьетнам халқ хўжалигида меҳнат қилаётган минглаб мутахассислар Тошкентдаги олий ўқув юртларида таҳсил олган.

1993 йили Тошкентда Вьетнам элчихонаси очилгач, мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда ҳаво қатновини йўлга қўйиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Мазкур ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорликни янада кенг ривожлантириш имконини беради.

(ЎзА).

ОЛАМДА НИМА ГАП

Туркия — Туркманистон

Туркия бош вазири Тансу Чиллер 17 август куни расмий ташриф билан Туркманистонга келди. Туркия ҳукумати раҳбари Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан учрашади. Сафар давомида икки томонлама солиқ олмаслик ҳақидаги битим имзоланиши кутилмоқда. Ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилади.

***

Қрим

Украина Президенти Леонид Кучма Қрим ҳукумати раҳбари Анатолий Ранчук ҳамроҳлигида ўлкадаги газ конларига ташриф буюрди. У Қора денгизда жойлашган ва мустақил тартибда ишлаётган газ қазиб чиқариш конларини ҳам бориб кўради.

***

Хитой

17 август куни Хитойда навбатдаги ядро қуроли синови ўтказилди. Ер остида ўтказилган ушбу синов ҳақида Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вакили хабар берган. Ядро қуролининг қуввати ва у портлатилган жой ҳақида маълумот берилмаган.

РАТА-ТАСС мухбирининг «Обнинск» сейсмология марказидан олган хабарига кўра, шу куни эрталаб соат бешда Хитойда ер ости силкинишлари қайд килинган. Сейсмологлар ушбу тебранишларнинг ядро синовига мувофиқ келишини айтишган.

***

Узоқ Шарқ

Владивосток ва Приморье епископи Владик Вениамин Узоқ Шарқ ҳарбий округи қўмондонлигидан Шмаков ибодатхонасини художўйларга қайтариб беришни сўраган эди. Лекин у рад жавобини олди. Ушбу ибодатхона 1939 йили ҳарбийлар даволаниш масканининг клубига айлантирилганди. Ҳарбийлар янги клуб қуриш учун маблағ йўклигини рўкач қилишди. Бундан эса епископ астойдил хафа бўлди ва энди Россия Давлат думасига мурожаат қилмоқчи.

Қадимда рус аскарлари монахлар билан бирга ибодатхоналарда яшаб, бирга ибодат қилишарди, бироқ 1917 йилгача ҳеч қачон художўйлар ўз саждогоҳларидан ҳайдаб чиқарилмаган эди, деди епископ.

***

Краснодар ўлкаси

Краснодар ўлкасида аҳоли сони қисқариши давом этмоқда. Амалдаги йил бошидан буён ўлка аҳолиси 7454 кишига камайган. Бу эса ўтган йилги кўрсаткичдан 900 кишига кўпдир. Туғилиш ҳам 4,5 фоизга камайган. Давлат статистика қўмитаси ушбу ҳолни никоҳдан ўтиш камайгани ҳамда оилаларнинг ажралиб кетиши кўпайгани билан изоҳламоқда. Бугун ўлкада мингта никоҳга 778, йирик шаҳарларда эса 900 ажралиш тўғри келади.

(ЎЗА).

ҲАМКОРЛИК РОБИТАЛАРИ

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси қошидаги «Ўзбекистон — Малайзия» жамияти фаолларининг йиғилиши бўлди. Анжуман икки мамлакат жамоат ташкилотлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада кенгайтириш мавзусига бағишланди.

Жамият раиси Ж. Абдуллаев ўз нутқида таъкидлаганидек, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўлами ҳам, соҳалари ҳам кенгайди. Иқтисодиёт, фан, маданият соҳаларидаги бевосита алоқалар Малайзия ва Ўзбекистон халқларининг бир-бирини яхшироқ билиб олишига кўмаклашмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари йилнинг иккинчи ярмида қилинадиган ишлар режасини туздилар, сентябрь ойининг бошларида нишонланадиган Малайзия мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик масалаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда халқаро маданий-маърифий алоқалар уюшмаси раиси М. Мирқосимов сўзга чиқди.

(ЎзА мухбири).

Бу ажиб дунё

ГЎЗАЛ — ҲАМИША ГЎЗАЛ!

Дунёда биринчи марта ўтказилган гўзаллар танловида ғолиб чиққан Элис Хайд ҳамон эркагу аёллар эътиборида. 1888 йили Лондонда ўтказилган бу танлов ўн саккиз ёшли Лавендер Ли (Э. Хайднинг аввалги исм-шарифи) учун истеъдод ҳамда аҳсмоний сабот-матонат синови бўлганди. Жаҳон гўзалларининг ана шу биринчи баҳсида 25 нафар қиз қатнашган ва чўмилиш кийимида кўриниб, сузиш, эшкак эшиш, рақс тушиш, ашула айтиш маҳоратларини намойиш қилишган.

Элис ғолиб чиққач, кўпдан-кўп қабул маросимлари ва базми жамшидларда энг азиз ва ардоқли аёл бўлиб юрди. Графлар, ҳар турли казо-казолар бу соҳибжамолнинг ёнида вақт ўтказишга интилардилар. Элис 2 та овозсиз кинода муваффақият билан қатнашди, икки бор турмуш қурди. Кўп йил Испанияда яшади, ёзувчилик билан шуғулланди ва пировардида ўз қизининг ёнида бўлиш учун Англияга қайтди.

Элис Хайд 124 ёшида ҳам соҳибжамоллигини сақлаб келмоқда.

ДУНЁДА ЯГОНА

Бардошли ва мард Дэнни Осборн муваффақиятсиз қилинган абортдан сўнг ўлмай қолган дунёдаги ягона бола ҳисобланади. Қўл-оёқсиз туғилган бу болакайнинг руҳий тетиклиги ва бардамлигига тан бермай илож йўқ.

Воқеа бундай бўлган. Канаданинг Брэмптон (Онтарио) шаҳрида яшовчи Жина Осборн ўн уч йил муқаддам ўз ҳомиласини олдириб ташлашга уринган. Лекин операция муваффақиятсиз қилинган.

Дэнни Гонконгда туғилди. Ота-оналари мажруҳ ғўдакдан дарҳол воз кечишди. Бир канадалик оила уни фарзандликка олгунча ўтган тўрт йил ичида жисмоний нуқсонли ғўдакнинг жажжи вужуди бир ҳолатга тушиб қолди. Унгача ўн саккиз болани фарзандликка олган янги ота-онасининг мислсиз меҳрибонлиги туфайли бола ҳаётга қайтди. Биоэлектрик қўл ва оёқлар ясаб беришгач, Дэннидаги аввалги ўта тортинчоқлик ва қўрқув йўқола борди. Бу суньий оёқ-қўлли бола ўрта мактабнинг 6-синфига қатнайди. Кейинги вақтда унинг танаси ўса бошлади. Шу сабабли унга йилига икки марта оёқ-қўллар ясаб беришга тўғри келмоқда.

АКУЛА ХАТ ТАШИШГА ЎРГАНДИ

Балиқлар бўйича мутахассис Луи Фрибоу акулани хат ташишга ўргатди!

Фрибоу Ньюкасл (Австралия)даги ўз уйи олдида шўр сув билан тўлдирилган камгак ҳовуз ясаган. Почтальон олиб келган почтани сув ўтмайдиган халтачага солиб, уни бир бурчакдан тарновга туширади. Монти лақабли акула (бўйи 120 сантиметр) сузиб келиб, бу халтачани тишлаб олиб кетади ва хизматига эгаси томонидан балиқ билан тақдирланади.

11 ЁШИДА 6 ТА МАШИНА ЮТИБ ОЛДИ

Жанубий Каролина (АҚШ) штатидаги ёш Тирон Гриссало болаликдан автомобиль шайдоси. У бўш вақтининг ҳаммасини телерекламалар кўришга бағишлайди. Мукофотга автомобиль қўйилган танловлар ҳақидаги хабарларнинг ҳеч бирини қолдирмай улардан огоҳ бўлиб боради. 1993 йил январидан 1994 йил бошигача у тахминан 250 та танловда қатнашди ва 6 та яп-янги автомобиль ютиб олди. Булар «Мустанг», «Тойота-Камри», «Жип-Врангел», «Тойота МХ-3», «Тойота-Превиа-фургон» ва «Дожд-Шедоу» маркали машиналардир. Афсуски, Тирон уларнинг ҳеч бирини ҳайдамайди. Чунки у эндигина ўн бир ёшга кирган. Қонун бўйича яна тўрт йил кутгач, машина рулига ўтириш учун рухсатнома олиши мумкин.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИ

Мактабларни ўқувчиларнинг янгроқ овозлари тўлдирадиган кун яқин. Ўзига хос бу анъанавий байрамга Тошкентдаги «Болалар дунёси жамоа корхонаси» ходимлари муносиб ҳозирлик кўришди. Бу ерда мактаб учун зарур бўлган барча ўқув ашёлари, кийим-кечаклар муҳайё этилди ва уларнинг савдоси бошланди. Корхонада харидорларга тез ва хушмуомалалик билан хизмат кўрсатилмоқда. Суратларда: савдо пайти

Р. АЛБЕКОВ олган суратлар.

ДУШАНБА, 21

ЎзТВ I

17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Тафаккур".
18.45 Футбол шарҳи.
18.55 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Ватан ўғлонлари", "Тоғлар чорлайди". Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Озод юрт қушиқлари". Мусиқий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот"
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Олий таълим янгиланиш йўлида".
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 1-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси тавсиятиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Тафсилот".
19.15 "Ибратли умр".
19.40 Шифокор билан мулоқот.
20.25 "Спорт-тайм".
20.55 — 22.55 "Аждаҳони маҳв этайлик". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.20

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Мусиқий танишув". Шуҳрат Воҳидов.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Батабат". Телефильм.

"ОМАД" тавсиятиради:
20.00 Эълонлар.
20.05 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.55 "Жаҳон географияси".
21.45 Эълонлар.
21.50 Видео — "О".
23.30 Эълонлар.
23.35 "Курьер".
23.55 "... яна об-ҳаво ҳақида".
00.05 — 00.15 "Постфактум".

СЕШАНБА, 22

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 1-қисм.
9.35 Немис тили.
10.05 "Қишлоқ стадионларида".
10.30 "Ёзимиз соз ўтмоқда".
11.00 "Болангиз мактабга тайёрми?"
11.30 Ўзбек куйларидан концерт.
12.10 Шифокор экрани.
12.40 — 14.40 "Умидлар йили". Видеоканал.
***
17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.25 "Нон таъми".
18.55 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Талабалар баҳори", "Нормурод Нарзуллаев". Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 Мусиқали драмалардан ария ва дуэтлар.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Олий таълим янгиланиш йўлида".
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 2-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" тавсиятиради:
18.30 "Мультфейерверк".
18.45 "Табиат дунёси".
19.35 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.55 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 "Теле-ателье-шоу".
21.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Севгим қўшиғимда". Киноконцерт.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Жаҳон ва биз".
21.40 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
22.00 "Соккер-клуб".
22.45 — 22.55 "Би-Би-Си" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 2-қисм.
9.30 Янги алифбони ўрганамиз.
10.00 "Кичкинтой" студияси. "Кўнгироқча".
10.30 "Иқтидорлилар".
11.00 "Ишбилармон".
11.25 "Дилда вослинг". Мусиқий композиция.
12.05 — 14.05 "Ёшлик" видеоканали.
***
17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.50 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Тошкентдан гапирамиз", "Усуллар парвози". Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Бевосита мулоқот.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда - Навоий вилояти.
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 3-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси тавсиятиради:
18.30 Қувноқ сухбат.
19.00 "02" тўлқинида.
19.25 "Кинотриада".
20.25 "Тошкент оқшомида".
21.25 — 23.15 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45— 00.10

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Батилиман". Телефильм.
19.10 "Ўзбекистон. Автомобилсозлик: ҳозирда ва келажакда".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" тавсиятиради:
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 3-қисм.
9.25 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.55 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
10.40 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
11.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб..."
11.30 "Кашф этилаётган имкониятлар".
12.00 — 14.00 "Маърифат" видеоканали.
***
17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Қойилмақом Гоша". Мультфильм.
18.25 "Янграсин шўх яллалар" Концерт.
19.00 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Марғилон ипаги", "Нишона". Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Қишлоқ тадбиркорлари".
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 Бир асар тарихи. Ойбек. "Алишер Навоий".
***

ҲАФТАЛИК TV ТВ TV КЎРСАТУВЛАР

22.35 Бир жуфт кўшиқ.
22.50 Эълонлар.
22.55 "Ёшлик" студияси. "Гап йўқ..."
00.10 — 00.35 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" тавсиятиради:
18.25 Мустақиллик одимлари.
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар!".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 — 22.55 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.05

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Романс кечаси".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Шалом!"
21.20 "Ўзбекистон — умумий уйимиз".
22.05 — 23.05 "Сахий хонадонда".

ЖУМА, 25

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 Немис тили.
8.35 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат ғунчалари".
9.20 "Китоб ва ҳаёт".
9.50 "Халқ ижодиёти".
10.20 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўгитлари".
11.00 "Ҳаракатда баракат".
11.20 Жиззах вилояти Зафаробод тумани "Чўлқувар" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
11.55 "Кирқ ҳунар ҳам оз".
12.25 — 13.55 Ҳ. Ҳакимов. "Минг бир кеча". Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
***
17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Жараён".
18.35 "Мен туғилган тупроқ".
18.55 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Биз танлаган касб". Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Етти иқлим садоси". Халқаро шарҳловчилар давраси.
20.25 1-Марказий Осиё ўйинлари олдидан.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Тараққиёт."
22.15 "Ҳофизлар хониш қилганда".
22.55 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Маҳаллада дув-дув гап". Бадиий фильм.
00.30 Эълонлар.
00.35 — 01.00 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси тавсиятиради:
18.30 "Параллель".
19.00 "Ёшлар ижро этадилар".
19.30 "Кимга қанақа?".
20.15 "Билиб қўйган яхши".
20.40 "Самарали изланишлар".
21.10 "Бизнес-академия".
21.35 — 23.40 "Ўлган иллони бошини кўзгама". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.15

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Лосослар жумбоғи". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Ислоҳотларимиз тамойиллари".

"ОМАД" тавсиятиради:
20.20 Мустақиллик одимлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.40 "Компьютер — Осиё".
22.10 "Кулгига нима етсин!"
22.35 "Америка юлдузлари".
23.05 Эълонлар.
23.10 "Даракчи".
23.20 Эълонлар.
23.25 — 01.05 Видео — "О".

ШАНБА, 26

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 "Д. Д. Д. ва бошқалар". Спорт кўрсатуви.
9.05 "Ҳужжатли экран".
9.50 "Қутлуғ кун муборак, Ўзбекистоним!" Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 3 йиллигига бағишланган видеофильм.
11.10 "Яшил чироқ".
12.10 "Ғазалхон ёшлигим".
13.10 — 15.10 "Маънавият" видеоканали.
***
17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Компьютер — шоу".
18.45 "Ўзбектелефильм" фестивали: "Мусаввир нигоҳи", "Той бола". Премьера.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак".
22.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "МХСК" — "Пахтакор".
23.50 Эълонлар.
23.55 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" тавсиятиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.15 "Табиат дунёси".
10.05 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.25 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 "Теле-ателье-шоу".
12.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 "Кинонигоҳ".
14.30 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

"Тошкент" студияси тавсиятиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Менинг кўчам".
19.25 "Пульс". Хабарлар.
19.40 Кичик дебют.
20.10 Рок-сеанс.
20.50 — 22.20 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.55 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 24.00

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Гофур, Ҳамза ва бошқалар...".
11.00 "Безнен мирас" (татар тилида).
11.40 "Рангинкамон" (тожик тилида).
12.25 "Қалбим қўри".
13.05 — 14.05 Болалар учун фильм. "Имтиҳонларга тайёргарлик".
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 "Республикам менинг". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
20.30 "ХБ" — хабар".
20.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.50 "Интерпартнёр".
21.30 "Бу ажиб дунё".
21.45 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
21.55 — 22.55 "Деҳқон далада қайтди".

ЯКШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Қувноқ стартлар".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Сирли сандиқ". Телеўйин.
12.00 "Қўшиқларим сизга армуғон".
12.30 — 14.30 "Нурли келажак". Видеоканал.
***
17.55 Мустақиллик одимлари. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Ўйла! Изла! Топ!"
18.55 Мультфильм.
19.05 "Ойнаи жаҳонда..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Мустақиллик одимлари.
20.05 Эълонлар.
20.10 Телевизион миниатюралар театри.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Мустақиллик одимлари.
21.35 Эълонлар.
21.40 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир.
22.10 "Якшанба оқшомида". Мусиқий кўрсатув.
22.50 — 23.20 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" тавсиятиради:
9.55 Мустақиллик одимлари.
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
11.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.45 — 14.25 "Кинонигоҳ".
***
17.00 "Совға".
17.30 "Салом, ёшлар!"
18.10 "Тошкент Давлат иқтисодиёт университети".
18.20 "Жаҳон географияси".
19.10 Эълонлар.
19.20 Видео — "О".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Курьер".
21.20 "...яна об-ҳаво ҳақида".
21.30 "Постфактум".
21.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.00 "Авто салон".
22.20 "Кулгига нима етсин!"
22.45 Эълонлар.
22.50 "Даракчи".
23.00 Эълонлар.
23.05 — 00.40 Видео — "О".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 21.50
*
21.50 — 23.25 ЎзТВ. "Валентина". Бадиий фильм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!". Мультфильм.
9.30 "Менинг кўчам...".
9.45 "Дарвоқе".
10.15 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
11.55 — 12.05 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.05 "Мусиқий саёҳат".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Хорижнинг биринчи элчилари". Тунис Республикаси.
20.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.55 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 "Чинсэн".
22.40 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
23.25 "Бу ажиб дунё".
23.45 — 23.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

Абу Али ибн Сино таваллудига 1015 йил тўлди

ДУНЁ БИЛГАН АЛЛОМА

АБУ АЛИ ИБН СИНО ҳижрийнинг 370 йили, сафар ойида Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги Афшона деган қишлоқда дунёга келди. Милодий ҳисоб билан бу 980 йил бўлиб, унга 16 августидан 14 сентябригача бўлган муддат оралиғи киради. Ибн Сино беш ёшга тўлганда, отаси Бухоро шаҳрига кўчиб келди. Бу ерда у униб ўсди, таълим олди, олим бўлиб етишди.

Ибн Синонинг «Ҳадият ар-раис», «Ал-Маъмуъ», «Китоб ал-бирр ва ал-исм» («Саҳоват ва жиноят ҳақида китоб» (икки жилд), «Ҳосил ва маҳсул» (20 жилд) каби асарлари Бухорода таълиф қилинган эди.

Ибн Синонинг ёши 22 га етганида, 1002 йили отаси вафот этади. 1005 йили сомонийлар сулоласининг сўнгги меросхўри Мунтасир ўлдирилгач, Ибн Сино Бухорони тарк қилишга, Хоразмга йўл олишга мажбур бўлади. Абу Али ибн Сино етти йил давомида Хоразмда яшайди, у ердаги олимлар билан ҳамкорлик қилади. 1012-1014 йиллар ораси у Журжонда яшади, кейин Ройда, Ҳамадонда. У бу ерда «Тиб қонунлари» асарини ёзиб тугатди. «Юрак дорилари», «ал-Ҳидоя», «Ҳайй ибн Яқзон», «ал-Куланж» каби асарларини ёзди. Кейин у «Шифо китоби»ни ёзишга киришди. 1024 йиллан то умрининг охири — 1037 йилгача Исфахон амири даргоҳида яшади. Бу ерда форсий тилида амир Алоуддавлага «Донишнома» асарини ёзиб берди. «Шифо китоби»нинг қисқача баёни деб ҳисобланган «Нажот китоби»ни, бизгача етиб келмаган ўн жилдлик «ал-Ансоф» (Адолат) деган асарини ёзди.

Абу Али ибн Сино жуда кўп асарлар яратди, лекин, уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган, бизга насиб этган асарларининг ўзи ҳам унинг буюк сиймо, ноёб ақл-заковат эгаси эканлигидан дарак беради.

Ибн Сино 428 ҳижрий йилнинг рамазон ойи биринчи жумъаси куни вафот этди. Буни милодийга айлантирсак, алломанинг вафоти 1037 йили 24 июнь жумъа кунига тўғри келади.

Абу Али ибн Сино ўзидан илгари яратилган барча фан ва маданият ёдгорликларининг кўп тармоқларини ривожлантирди, натижада унинг илмий мероси жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

А. ИРИСОВ,
Шарқшунослик олийгоҳи катта илмий ходими.

ИБН СИНО ДЕЙДИКИ...

• Сирингни барчага айтишдан эҳтиёт бўл, чунки, мулоҳазакор деган сўз — эҳтиёткор бўлиш дегандан бошқа нарса эмас. Агар сирингни сақласанг, у сенинг асирингдир, агар ошкора бўлса, сен сирингни асири бўлиб қоласан.

• Иссиқ сув ҳазмни бузади, таомга бўлган иштаҳани сўндиради, ичган замони чанқовни босмайди. Баъзан истиско (водянка), қотмалик ва тананинг сўлишига ҳам олиб келади.

• Бухорода содир бўлган оғир қаҳатчиликдан чиққач, у ерда нон ва гўшт топиш имконияти бўлмаганидан, овқат ўрнига ўтларни истеъмол қилган эдилар, арзон нон ва гўшт топганларида бирданига кўп еб ўлдилар. Кўпчиликка аста-секин, кам-кам овқат истеъмол қилишни маслаҳат берган эдим, соғ қолдилар.

• Агар кимда шу ҳол рўй берса аввало овқатни қуш қаноти ва арпа сувига ўхшаш латифи ва енгилидан бошлашлари керак, сўнг кам-камдан одатдаги овқатларни тановул қила бошласинлар, шу орада кундур сақичи чайнаб турилади.

• Ёмғир суви ҳам яхши сувлар жумласига киради, хусусан ёзда момақалдироқли булутлардан ёққан бўлса.

• Шаробнинг хосиятлари руҳ хосиятига қарама-қарши: у ҳаракатчан, иссиқ, юмшоқ, суюқ, оғир, бўшаштирувчи, қуруқ ва ёпишқоқ эмас. Бадан ва руҳнинг роҳати озгина шароб билан бўлади. Маст кишидан ақл, ҳаё ва сабр кетади. Модомики, инсон шулардан ажралар экан, одамгарчиликдан чиқади.

• Ақлли киши наҳорга шароб ичишдан сақлансин, кетма-кет маст бўлавериш жуда ёмон, у жигар ва мия мижозини бузади, асабни кучсиз қилади.

• Одамнинг саломатлиги ташқи шароит билан чамбарчас боғланган. Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди.

Соғлом авлод учун!

ЎСМИРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Чимён тоғининг хушманзара ёнбағрида чодир-шаҳарча пайдо бўлди. Бу ерда, Оқтошда ёзги таътил даврида ҳарбий-спорт лагери ишламоқда, унда балоғатга етмаганлар ишлари бўйича инспекцияда ҳисобда турувчи ўсмирлар дам олишмоқда. Лагерни Тошкент ҳокимлиги ва шаҳардаги яна икки ташкилот — Ички ишлар бошқармаси билан Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ташкил қилган.

Лагерда болалар фаол дам оладилар. Улар тоғ сўқмоқлари бўйлаб сафар қиладилар, жўшқин дарёда чўмиладилар, ҳарбий-спорт ўйинлари, мусобақалар ўтказадилар — буларнинг ҳаммаси ўсмирларни чиниқтиради. Балоғатга етмаганлар ишлари бўйича инспекторлар бу ерда тарбиячи бўлиб ишлашмоқда, улар тарбияси қийин болаларга ҳақиқий дўстлик, адолат, меҳнатга муҳаббат туйғуларини сингдиришга ҳаракат қилишмоқда.

Лагер биринчи йили ишлаётгани йўқ, аммо у ҳар йили бошқа жойда ташкил этилади. Уч сменада бу ерда 800 нафарга яқин тошкентлик ўсмирлар текинга дам олади. Лагер ташкилотчилари ҳамма ҳаражатларни ўз зиммасиға олган. Бу ҳаражатлар ўзини тўла оқламоқда. Статистика маълумотларига қараганда, лагерда дам олган ўсмирларнинг ҳар учтасидан бири тўғри йўлга тушиб олмоқда. Уларнинг кўпи балоғатга етмаганлар иши бўйича инспекцияда ҳисобдан чиқарилмоқда. Сўнгра уларга иш топишда ёки ўқув юртига киришда ёрдам берилмоқда.

(ЎзА мухбири).

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**



Ўзбекистонда «Президент кубоги» учун илк бор ўтказилган мусобақалар минг-мингдаб теннис ихлосмандларини хурсанд қилган эди. Юнусобод спорт комплекси бу йил ҳам жаҳоннинг кўпгина маҳоратли теннисчилари баҳслашадиган жойга айланади. Комплексда бўлажак мусобақаларга катта тайёргарлик кўрилди.

Ушбу сурат биринчи бор ўтказилган «Президент кубоги» мусбақалари вақтида олинган эди.

Р. НУРИДДИНОВ ва Р. ШАГАЕВ олган сурат.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» МУСОБАҚАЛАРИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида теннис бўйича Президент кубоги учун мусобақани ўтказишга тайёргарлик бўйича ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Мусобақа 26 августда Тошкент шаҳрида бошланади. Мажлисни ташкилот қўмитасининг раиси, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Анъанавий мусобақани ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишга тайёргарлик тўғрисида вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, пойтахт ҳокимлиги раҳбарларининг ахбороти тингланди. Мусобақалар ўтадиган «Юнусобод» спорт комплексини тайёрлаш асосан тугалланган, тўрнир иштирокчилари ва меҳмонларини жойлаштириш, уларга, шунингдек, мусобақани ёритадиган маҳаллий ва хорижий журналистларга тиббий ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш масалалари ҳал қилинди. Кубок ва совринлар, «Президент кубоги» мусобақалари рамзи тасвирланган тарғибот маҳсулотлари тайёрланди.

Мажлисда ҳозирча ҳал этилмаган айрим масалалар кўриб чиқилди, бўлажак турнир нуфузли халқаро мусобақаларни ўтказишнинг ҳақиқий намунасига айланиши учун ижрочиларга аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

ПОЛВОНЛАР УЧРАШАДИ

Августнинг сўнгги ўн кунлигида Наманганда миллий кураш Фарғона усули бўйича биринчи марта халқаро турнир бўлади. Вилоят ҳокими республика мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишлаб шу мусобақани ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳокимлик ҳисобидан маблағ ажратилди.

Ўндан ортиқ команда мусобақада иштирок этиш истагини билдирди. Бу командалар орасида республика, вилоятлар командаларидан ташқари Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон спортчилари ҳам бор. Халқаро мусобақа голибига махсус соврин топширилади.

(ЎзА мухбири).

ЭНГ УЛУҒ УНВОН — ОНА

Ажойиб инсонлар ҳақида ҳикоялар

БУ ДУНЁ — синов дунё. Кимни ортиғи билан сийлаб, кимни эса тинимсиз синайди...

Ихчам жуссаси, чаққон, узоқ-узоқ суҳбатлардаям меҳнату умидворликда ўтган ҳаётидан нолимайдиган дилбар аёл... Дилидаям, тилидаям Яратганга иқрори битта: «Меҳнат қилганни ўзинг азиз айлар экансан, Эгам, шукр».

Қурбоной опа хотираларга бериладилар, мен уларни тасаввуримда жонлантиришга уринаман.

1932 йил, очарчилик. Қурбон ҳайити куни. 1916 йилда мардикорчиликка олинган, замона ўзгаргач, Термизга ҳарбий хизматга юборилган, Самарқанд шаҳридаги оиласини ора-чора кўриб турадиган Раҳматуллонинг яна бир қизи ўз исми ўзи билан туғилди — Қурбоной. Она-я, кўп ўтмай болаларини етаклаб, минг азоб-уқубат билан Термизга келди. Ота меҳридан оз бўлса-да бахрамандликка нима етсин? Лекин, мардикорчиликдаги ҳаёт аста-секин таъсир этувчи заҳрини солиб қўйган экан, ота умри узоққа бормади.

Рўзғор ташвишларининг бир ёғини елкасига олиб, «Илғор Сурхон учун» газетасига ишга келганда Қурбоной ўн бир ёшли қизалоқ эди. Лекин, у бу пайтгача зийраклиги, ўқишга жуда қизиқиши сабабли синфдан-синфга сакраб ўтиб, анча саводхон бўлиб қолганди...

Қизиқ, кўпчиликнинг хотираси узоқ йиллар турли об-ҳавода очилиб-сочилиб ётган китобга ўхшайди: қай саҳифаларда ёзувлар ўчиб кетган, яна баъзи ўринлар хира, авайлаб-асралган саҳифаю-сатрлар эса — ёрқин, тиниқ. Қурбоной опа «Илғор Сурхон учун» газетасида дастёрлик қилиб, машинкада котибалик вазифасини бажариб юриб кўрган, суҳбатлашган одамларини ҳамон кечагидай эслайдилар:

— Термизда ҳарбий гарнизон бўлганлиги сабабли, газетада ҳарбийлар ҳақида тез-тез мақолалар босиларди. Улардаги айрим иборалар хато кетиб қолмаслиги учун мени текширтиргани юборишарди. У ерда хизматда юрган ёки сургун қилиниб келиб қолган фарғоналиклар кўп эди. Менга водийлик йигитларнинг завқ-шавқ, шиддат билан рақсга тушишлари жуда ёқар эди...

...Уруш йиллари хат ташувчилар кўчада ўйнаб юрган болаларга учбурчак хатларни бериб, дарвозани кўрсатишарди: «Ташлаб чиқ». Болалик-да, азбаройи ишониб юмуш топширганларидан бошлари кўкка етиб чопишарди болалар: «Хат келди! Хат келди!..» Лекин, улар фожеа ҳақидаги хабарни қувонч деб суюнчилаб кирганликларини сал ўтмай билардилар. Хат келган хонадонда қий-чув, дод-фарёд, фиғон бошланарди...

Одамларни янги-янги синовлар билан қайраб, ҳаёт номли азиз ва бетакрор қувончумидлари билан алдаб йиллар ўтаверди. Тақдир экан, Қурбоной шу ерда хизмат қилаётган аскар йигитга турмушга чиқди.

1948 йили оила яна қадрдон Самарқандга қайтди. Ўқишни, адабиётни беҳад севган қиз вилоят газетасида ишлай бошлади.

— Таҳририятга Шароф Рашидов бориб турардилар, — эслайди опа, — Ва ҳар гал ташрифлари чоғида барчамизни йиғиб, ош қилиб берардилар. Бир куни кечаси тафтишмусаҳҳиҳлик қилиб ўтирсам, Шароф ака келиб қолдилар ва дарҳол «Ие, тунда уйингизга қандай қилиб кетасиз?» — деб сўрадилар. Мен ҳамроҳларим борлигини айтдим. Шунда у киши бош муҳаррир хонасининг битта калитини менга қолдиришларини тайинладилар. «Ярим кечаси кўчада юргандан шу ерда қолганингиз маъқулроқ...» — дедилар кета туриб...

Толени қарангки, Қурбоной опанинг пешонасига жуда кўп азиз одамлар билан яқин мулоқотда бўлмоқ, улар меҳру-муҳаббатидан бахрамандлик ёзилган экан.

Икки буюк халқнинг ёзувчиси Садриддин Айнийга котиба-машинистка керак бўлиб, Қурбонойни тавсия этадилар.

— Домла жуда ажойиб инсон эдилар, — деб эслайдилар Қурбоной опа. — Оғир, босиқ, ўта мулоҳазакор, меҳрибон. У киши ҳақида турли гаплар юради. Йўқ, Айний домла хасис, қаттиққўл эмас, тежамкор, тартибли, уволдан қўрқадиган одам эдилар. Мана, ҳозир бизнинг ҳаммамизга домланинг шу фазилатлари асқотиши мумкин. Мен дорилфунунда ўқишни кечасию кундузи орзу қилардим. Бироқ, биринчидан, ишламасам бўлмасди, онам қасалманд эдилар. Иккинчидан, ўрта мактабни битирганлик ҳақида хужжатим йўқ эди...

...Айний домланинг маслаҳатлари билан Қурбоной мустақил шуғулланиб, ўрта мактаб дастури асосида имтиҳонлар топшириб, гувоҳнома олди. Дорилфунуннинг тил ва адабиёт куллиётига сиртдан ўқишга кирмоқчийди...

— Йўқ, пухта билим олмоқчи бўлсангиз, тенгдошларингиз билан кундузи ўқинг. Мен меҳнатингиз эвазига сизга моддий ёрдам бериб тураман. Лекин, Айний домланинг котибаси эканлигингизни ҳеч ким билмаслиги, ўз кучингиз билан ўқишингиз шарт, — дедилар Садриддин Айний.

Талабалик йиллари тўқ мағиздай ҳаётий ташвишларга, изланиш ва меҳнатга тўлиқ кечди: ўқиш, котибалик, оила тебратиш. Олий илмгоҳни битириши арафасида умрининг бекиёс суянч тоғи — онасини дард олиб кетди. 1955 йили Душанбе шаҳрига — «Совет Тожикистони» газетасига йўлланма билан ишга келди.

Мусофирчиликда ҳаёт енгил эмас, аммо қондош, жондош тожик халқининг меҳри тезда уни ўзига фарзанд қилиб олди.

— У ерга борибоқ Айний домла кўриб берган «Кўнгил қуши» номли ҳикоямни чиқардим газетада. Шунда мени қидириб адиб Абдусалом Деҳоти келдилар, у кишини Мирзо Турсунзода юборган эканлар. 1958 йилда она юртимга қайтгунимга қадар у забардаст ижодкорлар менга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик қилишди. Бир қатор шеъру ҳикояларим босилди.

Энди англагандирсиз, биз адиба, шоира Қурбоной Убайдуллаева ҳаётига бир нигоҳ ташлаётирмиз.

Наманганда кечган йиллар... Бирин-кетин Шаҳобиддин, Муҳриддин, Тўлқиной, Ҳусниддинлар онанинг бағрини тўлдирдилар. У пайтларда икки дунё ўртасидан янги бир инсонни бағрига босиб қайтган аёлга бор-йўғи 56 кун таъти бериларди. Қурбоной Раҳматулло кизи болаларини улғайтирди; хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида қанча ишларга бош бўлди; оилаларнинг тиниб-тинчиб яшаши учун югуриб-елди; маҳалла қўмитаси раисининг ўринбосарлигиям унинг зиммасида эди; таҳририятдаги иш, шикоятлар билан шуғулланиш...

— Лекин, мен болаларимни ҳамиша алла айтиб ухлатардим. Катта бўлишгандаям уларни алланинг хумориси тутарди. Йўлга киришганда, орқаларида туриб, ўзим хув Термизда ҳавас қилган фарғоналик йигитларнинг мусиқаларини оғизда чалиб, ҳаракатларини ўргатардим...

Яхшилик қил — сувга сол, балиқ билар, балиқ билмаса, ҳолиқ билар, дейишади. Қурбоной опа кимлардан яхшилик кўрмади, умри давомида имкони қадар, баъзан бу чегарадан ҳам орттириб кимларга ўз ёрдами, яхшилигини тутди. Охир оқибатда энг катта, тенгсиз орзу-ҳаваслари рўёбини фарзандларидан топди — Аллоҳга беҳадд шукр!

Жуда катта ашулачи бўлган дадаси, акаларининг руҳи ўғиллари Шаҳобиддин, Муҳриддин, Ҳусниддинларнинг юрагида саньат машъалини янги бир авжда ёқдими?.. Ҳа, тўғри топдингиз, Қурбоной Раҳматулло қизи — айни кунда бизга жуда суюк бўлган ёш саньаткорларнинг муҳтарама онаси бўладилар. Лекин...

— Лекин, мен ҳамиша қаламдан кўра кўпроқ болаларимга меҳрим, муҳаббатими бердим. Чунки адабиётни неча асрлардан буён қанчадан-қанча улуғ адиблар, халқнинг ўзи юксак поғоналарга кўтариб келдилар. Бундан сўнг ҳам ушбу жараён давом этаверади. Менинг фарзандларим тарбияси менга фақат менга боғлиқ. Нозик ниҳолларни яхши одамлар қилиб камолга етказиш — оналик бурчим эди. Худо хор қилмас экан, бир пайтлар кимларгадир ҳавасим келарди. Вақти етиб, ўғилларим мени саватсават гуллар билан сийлайдилар. Бағримни, уйимни гулларга, эъзозга тўлдирадилар... Ҳамон шундай.

Худди чиройли эртакдаги каби гўзал муқаддима, дерсиз. Балки. Бироқ ботинда бизга жуда бахтли кўринган она юраги ҳамон симоб қатрасидай қалқиб туради. Ўғиллари — халқ ижматида, катта юртнинг, тўйлари кўп халқнинг эли орзулаган саньаткорлар. Баъзида сафарлари сафарларга уланиб кетади. Онаизор бомдоддгача кўчадан эшитилгувчи ҳар шарпага умид боғлаб, дарвозага термулиб чиққан кунлар... Мен бу кечинмаларнинг таърифини келтира олармидим?

— Яқин келса, кўролмайман, узоқ кетса, туролмайман дегани — мен. Ҳафачиликдаям, хурсандчиликдаям кўзимга ёш келади...

Беғубор дил соддалиги билан гўзал. Қурбоной опанинг сўнгги гапларига битта тилакни қўшиб, сўзимни тугатмоқчиман:

Илоҳи, хурсандчилик кунларингиз кўп-кўп бўлсин!

Муҳтарама УЛУҒ.

ЎТИНЧ

(Фарзандларимга)

Ташлама ёрингни ҳаргиз дил уйин вайрон қилиб,
Ўртама рашк ўтида ҳуммор кўзин гирён қилиб.
Ҳулқи хуш, доно нигор қадрин баланд тутгил мудом,
То тириксан қўймагил кўйингда саргардон қилиб.
Аҳду паймон барқарор бўлсин дилингда доимо
Сақлагил ҳардам садоқат аҳд ила паймон қилиб.
Чин муҳаббат бобида қолдир ўзингдан яхши ном,
Нотавон бўлма бу йўлда, юрма сўнг пушмон қилиб.
Боқма зинҳор ўзгага, кирма ҳиёнат йўлига,
Беҳаёларга яқин борма карам-у, эҳсон қилиб.
Ел каби ўтгай умр бир лаҳзалик маъво аро,
Ботмагин ғафлат мойига, ўтмагин армон қилиб.
Бахту иқболдан умид қилсанг агар сен сидқидил,
Ёр кўнглин гулшанини кетмагил пайҳон қилиб.

АЛҲАЗАР

Дўстлар, зинҳор йўлиқманг, бевафодан алҳазар,
Илтифот бўлманг, умидвор бенаводан алҳазар.
Яхши дўстлар орттириб, кўнгилни хуш айланг мудом,
Дил сирин пинҳона сақланг беибодан, алҳазар.
Эзгуликка ташна дил дўстларга сиз чин дўст бўлинг,
Оқибатсиз, сохта дўсти бебақодан алҳазар.
Бемеҳр, бедард киши дўстликка раҳна солгуси,
Ошнолик изламанг ноошнодан, алҳазар.
Йўл берманг кўнглингиздан ўтгучи ҳар кимсага,
Яхшилик кутманг сира нафси балодан, алҳазар.
Эҳтиром айланг мудом пок дилу пок виждонни
Бадният, бадфеъл, дарди бедаводан, алҳазар.
Жон фидо айланг вафодор аҳлига содиқ бўлиб,
Ҳеч қачон кутманг вафони бевафодан, алҳазар.
Қурбоной дардингга дарддош дўст қидиргин эл аро,
Дардинг ошкор айлагувчи беғиёдан алҳазар.

Қурбоной УБАЙДУЛЛАЕВА.

ХАР ТЎҒРИДА

СУТ УЙҚУСИЗЛИК ДАВОСИ

СИЗНИ уйқусизлик қийнаяптими? Фин олимлари ундан қутулишнинг осон бир йўлини тавсия этадилар. Бунинг учун уйда сигир боқишни маслаҳат берадилар. Уни ярталаб ёки кечқурун соғиш билангина чекланмасдан ярим тунда ҳам соғиш лозимлигини уқтирадилар.

Уйқусизликка олиб келувчи табиий «механизмни» мелтонин моддаси билан «мойлаб» туриш керак экан. Бундай модда эса сигир сутида кўп бўлади. Оддий пайтда соғилганларида эмас, тунда соғилган сут таркибида керагидан ортиқча бўлар экан. Финляндиянинг Куопко шаҳридаги дорилфунун олимлари ўз тадқиқотларининг тўғрилигини исботлаш учун яқин атрофда жойлашган сутчилик фермаларининг бири билан шартнома туздилар. Унга мувофиқ ферма доим тунда соғилган сутни дорилфунун лабораториясига етказиб туради. Бу сут эса уйқусизлик гирдобига мубтало бўлиб қолган беморга етказиб берилади.

ЁШ АЁЛЛАРДА ҚЎПРОҚ УЧРАЙДИ

«ЭКСТРА-ПРЕСС» агентлигининг маълумотларига қараганда, фарзаднинг чала ва жуда кам вазнли туғилиши, умуман туғилишнинг бузилиш ҳоллари энг ёш келинчакларда кўпроқ содир бўлар экан, каттароқ ёшдагиларда эса нисбатан анча кам учрайди. Бунинг асосий сабаби кўпчилик ёш жувонларнинг жисмоний етуклиги лозим даражага етмаганлигидадир.

Олимлар 134 минг 88 нафар аёлни кузатиш натижасида шундай хулосага келишди. Ёши 18 дан кам бўлган оналарда боланинг чала ёки вазни ниҳоятда кам бўлиб туғилиши хавфи кучлироқ бўлиб чиқди. Бундан ташқари, ёш оналарнинг кўзи ёригандан кейин саломатликлари билан боғлиқ муаммолар 18 ёшдан кейин ҳомиладор бўлган аёлларга нисбатан анча кўп содир бўлар экан.

МУТАНЛАРНИ ЎЛДИРАДИ

АТРОФИМИЗНИ ўраб олган ҳавода канцероген ва мутагенлар сингари киши ҳаёти учун ўта заҳарли моддалар кўпайиб бормоқда. Улар автомашиналар, заводлар дудбўронларидан чиқиб атрофга тарқалади. Улар, ҳатто, гўшт, картошка, балиқни қовуришдан ҳам пайдо бўлади.

Албатта, бундай заҳарли моддаларни танадан ҳайдаб чиқариш учун дорилар бор. Бироқ улар бошқа аъзоларга салбий таъсир қилади. Энг яхшиси табиий дорилардан кўпроқ истеъмол қилиш керак. Масалан, балиқни кепакка ботириб қовуриш керак, бунда кепак мутагенларни камайтиради, петрушка ҳам шунга хизмат қилади. Қизил гармдори, кўк чой, айрим қўзиқоринларда ҳам мутагенлар кучини қирқувчи моддалар борлиги аниқланган. Биокимёгарлар денгиз ўсимликлари, шолғом, қовоқ, кўк пиёз ва хризантема гулбарглари-дан тайёрланган салатлар ҳам дори бўлади, деб ҳисоблашади. Уларда ҳужайралардаги мутациялаш жараёнини ўлдириш хусусиятига эга бўлган аминокислоталар бўлади.

ОЛТИН ЁМБИЛАРИ

«ГОУТОРЦЗИН» — қадимги Хитойда камдан-кам топиладиган ва ит калласи шаклини эслатувчи ёмбиларни шундай деб аташган. Эндиликда эса барча олтин ёмбиларини шундай таърифлашади.

Фақатгина 1980 йиллардан бошлаб мамлакатда катта ва кичик ҳажмдаги 50 тадан ортиқ ёмбилар қазиб олинган. Улар орасида ҳақиқий «гоуторцзин»лар ҳам бўлган, яъни уларнинг шакли ит калласига ўхшашдир. Ҳар бирининг вазни 500 граммдан ортиқроқ бундай ёмбиларнинг буқа бошини эслатувчи энг каттаси 4900 граммлик тош бўлган. Уларнинг Ганцза вилояти тузилишини эслатадиган, вазни 4200 граммлиги энг қимматлиси, деб ҳисоблаб келинади.

Хитойнинг Сямен шаҳрида яшовчи кон муҳандиси Чжан Цзун қимматбаҳо тошларга ишлов бериш билан шуғулланади. Кунларнинг бирида у тош бўлагини иккига ёрганида хушидан кетаёзди. Унинг ичидаги ёмби ҳақиқий «жўжа»ни эслатарди. Бу «қушча»нинг қанотлари, кўзлари, тумшуқлари ҳақиқийга ўхшарди. «Хитой» журнали шу ҳақда ёзади.

БУ ЖОЙДА ЁМҒИР ҲУКМРОН

ФИЛИППИН — атрофи сув билан ўралган кўпдан-кўп оролчалардан ташкил топган. Бу оролларда айримларининг фақат ўзига хос, бошқаларидан ажралиб турадиган хусусиятлари бор. Уларнинг бири Талбас оролидир.

Бу орол нимаси билан машҳур экан деб ўйлаётган бўлсангиз, мана ўқинг. Бу ерда ҳар куни ёмғир ёғади, ҳа, йил фаслларининг барча кунларида ёғингарчилик бўлади. Бирор кун йўққи, ёмғир ёғмаган бўлсин. Ҳар гал ёмғир ўртача икки соат давомида қуяди. Ҳар 24 соатда орол тахминан саккиз сантиметр қалинликдаги сув билан қопланади. Агар бу оби-ҳаёт турли ариқча ва дарёлар билан денгизга тез оқиб кетмаса, оқибати нималарга олиб келишини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

КИШАНЛАБ ҚЎЙИЛАДИ

НОРВЕГИЯНИНГ Сарпсбург шаҳарчасида маҳаллий ҳокимлик қизиқ бир тартибни жорий қилишга мажбур бўлди. Унинг фармойиши бўйича турмуш қурмоқчи бўлган йигит-қизлар 48 соат давомида бир-бирларига кишанлаб қўйилиши талаб қилинмоқда.

— Қўйди-чиқдиларнинг кўплиги жонимизга тегди, — дейди шаҳарча ҳокими Брэн Олгейм. — Уларни олдиндан бир-бири билан кишанлаб қўйиш жуфтлар биргаликда яшаши мумкинлигидан эмас, балки ҳам далолат берса керак, деб ўйлаймиз. Фақат шундан кейингина бу никоҳни рўйхатдан ўтказамиз.

Қонун жуфтликдан бир кунда 15 дақиқа кишансиз яшашни, ундан шахсий табиий эҳтиёжлар учун фойдаланишни ҳам назарда тутади.

«ТАНОВАР»НИ ТИНГЛАБ...

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси қошидаги «Тановар» ансамбли республикамиз мустақиллигининг 4 йиллиги байрамига махсус дастур тайёрлади. Унда халқимиз юрагидан чуқур ўрин олган тановар усулидаги қўшиқлар жамланди.

— Дастуримизни рақс маликаси Мукаррама Турғунбоева саҳналаштирган «Тановар»дан бошладик, — дейди даста бадиий раҳбари Юлдуз Исматова. — Бундан ташқари Қўқон, Андижон, Наманган тановарларини йиғиб, уларни қизиқарли, ҳаётий воқеалар билан боғлашга ҳаракат қилдик. Ҳар бир ана шундай қўшиқнинг мазмуни ва яратилиш тарихи сўзсиз лавҳаларда акс эттирилади.

(ЎзА мухбири).

Сирғали туманида жойлашган «Рисола» фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

Акмал Икромов туманидаги «Анҳор» кичик корхонаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади

Яккасарой туманидаги «Цеппилин» масъулияти чекланган жамият
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади.Т.53-05-02

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0337. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.20. 1 2 3 4 5 6